

Тез-тез хорижга чикиб, юрт кўрган хар кандай киши каби, Кодир ҳам божхонада ишлаган одамларнинг феъли-хўйи ва хатти-харакатларидан ўша мамлакат хакида хакикатга якин хулоса чиқара оларди. Божхона хизматчисининг ковоги солиқ, назари муздай совук, безовта бўлса, бу: “Оёгингни ўйлаб бос ва хушёр бўл! Бу мамлакатда шоширтириб кўядиган турли-туман кийинчиликларга дуч келишинг мумкин”, – дегани эди. Ходимлар очик юзли, хушфеъл ва хотиржам бўлса, бу: конун-қоидаларга амал қилсанг, ҳеч муаммога дуч келмайсан, деган маънони билдирарди. Шундай экан, Кодир ҳам бошқа тажрибали кишилар сингари, келган юртидаги вазиятга, янада тўғрироғи, бу ердаги божхона хизматчилари муомаласига кўра, иш кўришга ҳаракат қиларди. Бир мамлакатга киришда қоидаларга мувофиқ ҳурмат кўрсатган ҳолда, қиборларча хушмуомала бўлар, бошқасида эса ишини тезроқ битириш пайида шошаётган, кўпол, бакирок кишиларга ўхшаб кетарди. Мақсад – ҳужжатларни тезроқ расмийлаштириб, божхона эшигининг у томонига ўтиб олиш.

Тонг палласи.

Кўёшнинг кўз камаштирадиган порлок нурлари самолёт деразаларидан кириб, ичкарини тўлдирди. Самолёт кўниш учун пастлай бошларкан, кўёш тоғлар ортида қолди. Самолёт кўнғач, кўп ўтмай тоғлар ортидан кўёш яна жамолини кўрсатди.

Кодир хорижга, бу мамлакатга биринчи бор келиши эмасди. Божхона қаерда эканини, бу ерда ишлайдиганлар, мамлакатни яхши биларди. Нима қилиш, ўзини кандай тутиш кераклигидан хабардор эди. Даставвал, аэропорт божхонасидан ўтиши, сўнг транзит виза билан бошқа-бошқа иккита таксига чикиб, кўшни мамлакатга ўтиши керак эди. Шу ҳолос. Жуда оддий. Аммо шундай бўлса-да, “Кўрайлик-чи, бу гал неларга дуч келар эканман?” – деб ўйларди.

Аэропорт киришида виза ишларини расмийлаштириш тез битди. Кўшни мамлакат визаси ва у ерда ишлаш руҳсатномасини кўрган мазкур мавқеини писанда қилмоқчидек, паспорт варағига муҳрни қарсиллатиб урди ва кўпол бир йўсинда узатди.

Кодир маъмурга билдирмай бир ух тортиб кўйди. “Шу божхона деганлари ёниб кетмасмикан!” – деди ичида. Энди бир такси ёллаб, иккинчи божхонага бориши керак. Кодир аввал аэропортдан кўшни мамлакат божхонасига якин бекатга бориши, у ердан бошқа таксига ўтириб, йўлида давом этиши керак эди. Иккинчи таксида кўшни ўлканинг давлат рақами бўлиши лозим. Асфалт йўл орқали ўтиладиган барча божхоналар ёнида хар икки мамлакатга оид автоуловлар давоми бўлади. Мабодо, таксининг рақами бораётган мамлакатники бўлмаса, йўлда дуч келган йўл полтсиячиси тўхтатиб, назорат бахонасида пора сўраши мумкин эди. Кодир учун гоят мушкул иш эди. Бунга у ҳам ўзи, ҳам рўпарасидаги кишига нисбатан ҳақорат деб билар, қийналар ва хижолат бўлар эди. Аэропорт эшигидан чиқмасиданок икки киши: “Такси керакми?” – деб эргашди. Кодир уларга ҳеч нарса демай тикилди, эрта тонгданок машинасига чиқадиган кишининг юз-кўзи, қиёфасидан қайси бирига ишониш мумкинлигини билиб олишга уринди. Икковига ҳам кўнгли чопмади, олға қадам босди. Талабгорлар бирдан кўпайди. Ораларидан хотиржам, ўрта ёшдан сал ўтган, тўладан келган бирига боши билан розилик маъносида ишора қилди.

Таксичи ўзига ишонган бир тарзда олдидаги иккита йигитни қўллари билан четлатиб, Кодирнинг юқларини олди.

– Машина анави ерда, қани марҳамат, – деди.

– Бошқалар йўловчилар атрофида ўралашар экан, айна чоғда кўз кири билан Кодирнинг таксичи билан савдолашишини кузатиб туришарди. Агар уларнинг савдоси пишмаса, дархол орқага қайтиб, йўловчини илиб кетишни кўзлашарди.

– Каёкка борасиз, ака?

Бу савдони ўз фойдасига хал килиш учун ишлатиладиган усул эди.

– Хончайирга, – деди Кодир.

– Юзга кетамиз.

– Кирк бўлар.

– Аммо, ака, хали кеча-ку, кечки нарх шунча бўлади.

Кодир бир кулочча кўтарилган офтобга каради.

– Мабодо, сен учун яна бир куёш чикмаса, аллақачон кундуз бўлди. Кирк етади.

– Бўпти, ака, эллик, – деди таксичи.

Кодир майли деган маънода бош ирғади. Машина Европадан хорижга қандай чиқаришгани номаълум эски “Мерседес” эди.

Хоргин мотор зўрга гулдиради.

– Кўшни томонгами, ака? – деди таксичи.

Хончайир икки мамлакат орасида йўловчи ташийдиган таксичилар тўхтайдиган бекат эди. Тажрибали таксичи йўлнинг давомини кийналмай топган эди.

– Ха, – деди Кодир.

– Ишончли огайниларим бор, ака, уларнинг машинасига ўтказиб юбораман.

– Бўлади, лекин машинанинг раками уларники бўлсин.

Нон пулини бошқалардан илиб кетишга муваффақ бўлган бу одам Кодирга яхшилик қилмокчими ёки кўшни таксичидан даллоллик пули олмокчими? Кодир хаёлига келган бу саволга жавоб ахтариб ҳам ўтирмай, куёш нурига чўмган кирларни томоша қила бошлади.

Иккита йўл назорати постидан ўтдилар. Хар гал политсия машинасини кўрганида безовта бўлган таксичи ўз тилида “порахўрлар” дея сўқиниб кўярди.

– Факат улар порахўрми? – деди Кодир кулимсираб.

– Қайдан билай, ака, бизни ўртаганлари учун шуларни биламиз.

Кейин таксичи болалари хақида сўзлай бошлади.

Хончайирда бошка таксига ўтиш тез хал бўлди. Аэропортда топилган машина янгирок, хайдовчиси ҳам ишончли одамга ўхшарди. Кискагина савдолашувдан сўнг юқлар бу машинага жойлаштирилди. Кодир хақини тўлаб, ўрта яшар шофёр билан хайрлашди. Кўшни божхонага тез етиб боришди. Божхона тинч эди. Шофёр:

– Мен машинанинг ўтиш хужжатларини расмийлаштираман, унғача сен ҳам ишингни битир. У томонда кўришамиз, – деб Кодирни туширди.

Кодир янги қурилган божхона биносига кирди. Паспорт назорати дарчасини излади.

Хона бўм-бўш. Эрталаб энди иш бошлаган маъмурлар атрофга тетик боқишарди.

Кодирнинг кўзлари дарча орқасида ўтирган ёш маъмурнинг кўзлари билан тўқнашди.

Кодир паспортини узатди.

Маъмур паспортни тез-тез варақлаб, аввало, суратли варақни топди. Бир суратга, бир Кодир юзига тикилди. Паспорт назоратидан ўтишнинг энг бездирадиган они эди бу.

Маъмур шубхали бир тарзда яна суратга ва кейин Кодирнинг юзига диққат билан тикилди. У бу лахзани атайлаб узайтираётгандек туюлди. Сурат эгасиники эканига ишонч ҳосил қилгач, мамлакат визасини топиш учун яна саҳифаларни варақлай бошлади. Кодир индамай кузатиб турарди.

Маъмур виза саҳифасини топди. Шошмай визани текширди. Олдидаги компьютер тугмаларига кўл узатаркан:

– Ишлагани келяпсанми? – деб сўради.

– Ха, – деди Кодир. – Курилиш ширкатининг бошлигиман.

Кайси соҳада ва қандай вазифада ишлашини сўрамасиданок айтган эди. Барибир сўраган бўларди.

– Мудирмисан?

– Йўқ, мудир ўринбосариман.

Бу орада у Кодирнинг исми шарифини ёзаётган эди.

– Ундай бўлса юз доллар бер.

– Яхши, лекин барча хужжатим тўғри-ку, нега юз доллар беришим керак?

Кодирнинг гапларини эшитмагандай тугмаларни босиб, паспорт номерини ёзишда давом этди.

– Мамлакатимизда неча йилдан бери ишляяпсан?

– Тўрт, – деди Кодир.

– Тилимизни яхши ўрганиб олибсан.

Кодирнинг ажнабий эканлигини билмаганлар тоза сўзлагани учун уни шу ерлик деб ўйлардилар.

– Тил курсида ўқидингми?

– Ха, келган йилим олти ой тил дарси ўқидим.

Маъмур бош кўтармасдан:

– Ундай бўлса, эллик доллар бер, – деди.

Худди, Кодир ўз тилини яхши гапиришидан мамнун бўлиб, нархни арзонлаштираётгандек эди.

– Яхши, лекин, нима учун беришим керак, менга ёрдам киладиган бирон иш йўқ-ку.

Менинг барча хужжатим тўғри бўлса.

Яна у бепарволарча компьютер тугмаларини босишда давом этди.

– Ишлаш учун рухсатноманг борми?

– Бор.

– Ёнингдами?

– Ха.

Рухсатномани кўздан кечиргач, уни паспортнинг ёнига қўйиб, тортмадан мухрни кидира бошлади. Яна бошини кўтармай:

– Майли, бўлмаса йигирма беш доллар бер, – деди.

Кодир кулишини ҳам, аччикланишини ҳам билолмади.

– Нега беришим керак, айт шуни.

Маъмур мухрни топиб, олдин бўёкка суркади, сўнг шиддат билан паспортга урди.

Иш рухсатномасини паспорт орасига жойлаштираркан:

– Кел, бир чой ичайлик, – деди.

Таклифни рад этишга вақт ҳам қолдирмай, ўрнидан турган маъмур паспорт ушлаган қўли билан орқасидан эргашишини ишора қилди.

Дахлиз орқасидаги хонада паспортни қайтарди. Сухбатни Кодир ўз тилини қанчалик яхши билишидан бошлади, сўнг қурилиш соҳасидаги ишларга ўтди. Чой келди. Маъмур чойидан бир хўплам ютгач:

– Бўпти, ўн доллар бер, – деди.

Кодир эса хайрон бўлди. Ташвиши битган, паспорти чўнтагида. Энди бу ўн доллар

дегани нимаси?

– Бўпти, бераман, лекин нима учун беришим кераклигини айт.

Маъмур Кодирнинг юзига тикилиб:

– Эй, Кодирбей, сен бермасанг, бошкаси бермаса, унда мен ишга жойлашиш учун берган пулни кимдан олишим керак?

Кодир тахтадай котиб колди. Эшик томонга тикилган кўйи, хамёнини чикарди ва ўн доллар узатди. Чойини охиригача ичмаёк, оёкка калкди.

Маъмур эшикка кадар узатди. Эски танишлардай хайрлашдилар.

Ўзини кутаётган таксини топди, йўлга тушдилар.

Кодир назорат постларида тўхтатсалар, ўн долларни таксичига тўлаттириш йўлини ўйлай бошлади.

Туркчадан Бобохон Мухаммад Шариф таржимаси

Шарк юлдузи» журналининг 2010-йил, 5-сонидан олинди.